

## Халқимизнинг ардоқли фарзандини хотирлаб

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 25 январдаги “Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг хотирасини агадийлаштириш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, ҳар йили Биринчи Президентимиз таваллуд топган сана - 30 январь кунини кенг нишонлаш белгиланган. Жорий йилнинг 31 январь куни мамлакатимизнинг биринчи Президентининг туғилган кунлари муносабати билан “Ер ресурсларини бошқариш” факультетининг декани Ш.Нарбаев бошчилигига факультет декан мувонилари, кафедра мудирлари, профессор-ўқитувчилари ҳамда талаба-ёшлари Оқсарой қароргоҳида, саёҳат уюштиришди. Биринчи Президентимизнинг серқирра фаолияти, олижаноб инсоний фазилатлари ёдга олинди. Мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Ислом Каримов мустақил Ўзбекистонга асос солган, халқимиз меҳрини қозонган, халқаро миқёсда тан олинган давлат ва сиёsat арбоби эди. Президент Шавкат Мирзиёевнинг эътибори ва тегишли қарори билан унинг хотираси агадийлаштирилди, ҳурмати жойига қўйилди.



Шунингдек, биринчи президентимизнинг хотирасини агадийлаштириш мақсадида 1-талабалар турар жойида жорий йилнинг 30-31-январь кунлари биринчи президентимиз Ислом Каримовнинг 82 йиллик таваллудига бағишилаб, Факультет декани Ш.Нарбаев, Ёшлар билан ишлаш бўйича декан мувонини Ҳ.Эшова, Ердан фойдаланиш кафедраси катта ўқитувчиси С.Шарипов ҳамда Ҳарбий кафедра бошлиғи подполковник Минлишев Рафик Зильевич, ҳарбий кафедра бошлиғининг ўринбосари подполковник Тагаев Вадим Исмаилович, цикл бошлиғи подполковник Тешабоев Тулкинбай Якубовичлар “Хотирангиз мангу қалбимизда яшайди”, “Биз ёшлар сизнинг издошингиз” номли тадбирлар ўтказишиди. Тадбирда сўзга чиққанлар биринчи Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов буюк давлат ва сиёsat арбоби, ўзбек халқининг улуғ ва ардоқли фарзанди эди. Шўролар даврининг тазиикларидан халқни қутқариб, неча йиллар давом этган қарамликтан озод қилган, жар ёқасига келиб қолган буюк юртни қайта тиклади. Ўзбекистон Республикасининг мустақиллик куни эълон қилинди. Ҳар томонлама ислоҳотлар ва ижобий ўзгаришлар рўй берди. Мустабидлик даврида унутилган аждодлар номи тикланди, ҳурликка орзуманд халқ диний эркинликка эришиди. Миллионлаб юртдошларимиз ўз ибодатларини эмин-эркин адо этадиган бўлдилар. Таҳликали вазият ва қийинчиликларга қарамасдан қисқа вақт мобайнида юртимиз ўзлигига эришишига, қадриятлари тикланишига замин яратилди деб талаба-ёшларга маълумотлар беришиди.



**ЕРБ факультети Ёшлар билан ишлаш бўйича декан мувонини Ҳ.Эшова ахбороти**

**Институт матбуот хизмати Раҳимбой Жуманиёзов**